

---

## ХАЛҚАРО ОЛИМПИАДА ҒОЛИБИ ТАНТАНАЛИ КУТИБ ОЛИНДИ

Туманимиздаги 2-вилоят ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаб-интернати ўқувчиси Озодбек Мелиқўзиев республика терма жамоаси таркибида 9-15 май кунлари кимё фанидан ўтказилган 56-халқаро Менделеев олимпиадасида муносиб иштирок этди. У устозларидан олган билимини намоёни эдиб, Австрия, БАА, Туркия, Саудия Арабистони, Венгрия, Хорватия, Сурия, Қирғизистон, Беларус, Қозоғистон, Тожикистон, Исроил, Озарбайжон, Арманистон, каби дунёнинг 20 га яқин давлатларидан иштирок этган тенгдошлари билан муносиб беллашди. Яқинда Озодбек учинчи ўринни эгаллаб, бронза медалига сазовор бўлди. 2-ВИДУМИда Озодбек тантанали кутиб олинди. Байрамона безатилган муассаса ҳовлиси туман ҳокимлиги мутасаддилари, тумандаги ташкилот ва корхоналар, таълим муассасалари раҳбарлари, ўқувчилар, ота-оналар билан гавжум бўлди. Кутиб олиш маросимида туман ҳокими Б.Ибрагимов ҳам иштирок этиб, Озодбек ва унинг ота-онасига, ўқитувчиларига миннатдорчилик билдирди ҳамда уларга тўн кийдириб, қимматбаҳо совғалар топширди.

2022-05-19 09:06:39